



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни давлат ташрифи билан Покистонга келди.

Исломобод шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон кутиб олди.

Покистон Бош вазирининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон фахрий қорув олдидан ўтиб, шоҳсўпага кўтарилди. Ўзбекистон ва Покистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари халқларимиз дўстлиги, ҳамжихатлиги рамзи сифатида қароргоҳ боғига кўчат эгди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Покистон Бош вазири давлатимиз раҳбарини ташрифи билан қўлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш Покистон учун устувор аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Учрашувда асосий эътибор икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда алоқалар анча фаоллашди. Бундан ташқари, икки мамлакатнинг турдош вазирлик ва идоралари, ҳудудлар раҳбарлари доимий мулоқотда бўлиб, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширолмади.

Пандемияга қарамай, барча соҳалардаги алоқалар ривожланмоқда. Хусусан, 2021 йилда ўзаро савдо айланмаси қарийб 50 фоизга ўсди. Жорий йил бошидан яна 70 фоиз ўсish кузатилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 177 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Исломободда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес-форум, сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хоннинг мулоқотида ушбу тadbирларнинг натижалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувлар ҳажми аввалги йилларга қараганда ўсгани, шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилар экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Ўзбекистон ва Покистон халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида бир-бирини қўлаб-қувватлаб келмоқда.

Афғонистонда кун сайин мураккаблашган гуманитар ҳолат унинг яқин қўшилари сифатида Ўзбекистон ва Покистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ушбу мамлакатга инсонпарварлик кўмаги кўрсатишга ҳақон ҳамжамияти эътиборини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Имрон Хон Ўзбекистон Президенти тўхфа қилган Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғатини катта мамнуни билан қабул қилди. Унда ўзбек ва урду тилларидаги 3 мингдан ортиқ бир хил маъноли сўзлар жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, туризм, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Қадимий Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих, ўхшаш тил ва бой маънавий мерос боғлаб туради. Биз бугун бу кўхна аъналарни қайта тиклаётимиз. Давлатлараро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнунимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион доллар, келгусида эса 1 миллиард долларга чиқариш имконияти борлигини таъкидлаб, бу борадаги муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, саноат соҳаларида кооперация дастурини, савдо айланмаси таркибини кенгайтириш бўйича "йўл харитаси"ни биргаликда ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчи муҳим йўналиш — мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ўртасида мультимодал транспорт, юк ва ҳаво ташувлари бўйича ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда Транзит ва савдо битими кучга кирди, мунтазам юк ташувлари учун асос яратилди.

Президентимиз транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

— "Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли бизнинг умумий келажагимиздир. Бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқадиган энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлакни яратамиз. Бу темир йўл минтақаларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади, — дея таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

Музокарада ушбу лойиҳани янада илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

Доимий авиақатновларни қайта тиклаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ҳам ривожланмоқда. Жумладан, Наманган вилояти ва Панжоб музофоти ишбилармонлари кўлаб лойиҳаларни амалга оширолмади. Келгусида Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси ва бошқа ҳудудларда ҳам ана шундай самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Давоми 2-бетда

## ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ "БМТ ГЛОБАЛ АКСИЛТЕРРОР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ" ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегация раҳбарлари!  
Ҳурматли халқаро ташкилотлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал аксилтерроор стратегиясини Марказий Осиёда амалга оширишга бағишланган, БМТ Аксилтерроор бошқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро конференцияда қўлайман.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўлаб-қувватлаганлиги учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерришга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

ЕХҲТ Бош котиби Хельга Шмид хоним, БМТ Бош котиби ўринбосари жаноб Владимир Воронков, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман хонимга ва Марказий Осиё давлатларининг ташки сиёсат идоралари раҳбарларига ушбу муҳим тadbирни ташкиллаштиришдаги ҳамкорлик учун эътиромимни изҳор этаман.

Сизлар конференция ишини қўлаб-қувватлаганингиз умумий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида терроризм, бошқа таҳдид ва хатарларга биргаликда қарши туриш масаласида собитликнинг ишончли тасдиғидир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!  
Бугун биз халқаро муносабатларда низоларнинг кучайиши, мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражасининг пасайишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни

дамда дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари сақланиб қолмоқда, куропли тўқнашувлар давом этмоқда.

Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирган пандемия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ўта салбий таъсир қилмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги инқирозли ҳодисалар дунёдаги тенгсизликни кучайтирмоқда, низоларнинг кескинлашуви хавфини жиддий оширмоқда ва шу аснода терроризм гоёларининг тарқалиши учун қўлай муҳит яратмоқда.

Шундай мураккаб шароитларда **тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.**

Бундан 15 йил муқаддам дунёнинг барча мамлакатлари БМТнинг Глобал аксилтерроор стратегиясини бир овоздан маъқуллаган эдилар. Ушбу ҳужжат терроризмга қарши курашда **миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган кенг қамровли, умумэтироф этилган илк ҳуқуқий асос** бўлди.

2011 йилда Марказий Осиёнинг бешта мамлакатини уни рўёбга чиқаришга доир **Қўшма ҳаракатлар режасини** тасдиқлаб, биринчи бўлиб мазкур дастурий ҳужжатни минтақалаштириш бўйича намуна кўрсатдилар.

Ушбу режани амалга ошириш терроризмга қарши курашда умумий тамойиллар ва ёндашувларга доир минтақавий консенсусни мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама

ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини яратиш имконини берди.

Минтақа мамлакатлари терроризмга қарши кураш бўйича ўз миллий тизимларини шакллантирдилар. Мамлакатларнинг БМТ тавсияларига тўлиқ мос келадиган ҳаракатлар стратегиялари ишлаб чиқилди.

Шу аснода давлатларимиз учун янада тартибли ва самарали мулоқотга киришиш, тажриба ва муҳим маълумотларни алмашиш, аксилтерроор ҳаракатлар салоҳиятини ошириш ҳамда ёлғиз амалга ошириб бўлмайдиган натижаларга биргаликдаги интилишлар орқали эришиш имконияти пайдо бўлди.

Натижада эса бугун кўлаб нуфузли халқаро рейтингларда Марказий Осиё дунёнинг энг хавфсиз минтақалари қаторидан ўрин эгалламоқда.

Кейинги йилларда бу ерда фундаментал ижобий ўзгаришлар рўй берди. Минтақа мамлакатлари ўртасида дўстлик, ўзаро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яхши қўшничилик муносабатлари изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мамлакатларимизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича улкан салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам бермоқда.

Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида кўраб экан, минтақа давлатлари афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатмоқда, тинч иқтисодиётни қайта тиклашга ва ушбу мамлакатнинг минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга қўшилишига ҳар томонлама қўмаклашмоқда.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон 14 та асосий универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатни имзолаган бўлиб, халқаро террорчиликка қарши курашиш йўлидаги глобал саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда.

Мазкур соҳадаги давлат сиёсати кенг қамровлилик, инклюзивлик ва изчиллик ёндашувларига таянади. Барчамизга маълумки, бундай ёндашув ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари билан бир қаторда превентив ва профилактик чораларни биргаликда олиб боришни, БМТнинг Глобал аксилтерроор стратегиясининг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол қатнашишни назарда тутати.

Бу ишда жамиятда ўзаро англашув муҳитини қарор топтириш ва мулоқотни ривожлантириш, низоларнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тарбия, таълимни, шу жумладан, профессионал таълимни илгари суриш, бандликни таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш энг устувор йўналишлар ҳисобланади. Маданиятлараро ва динлараро мулоқот аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда терроризмга қарши курашишнинг фундаментал асоси, бу — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлашдир. Ишончимиз комилки, терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бир-бирини инкор этувчи эмас, балки тўлдирувчи ва мустаҳкамловчи мақсадлардир.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат етакчи корхоналарининг, энг аввало, савдо, энергетика, машинасозлик, кимё, қурилиш тармоқлари, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан олий даражадаги келишувларга мувофиқ

қўшма иқтисодий лойиҳалар ва маданий-гуманитар дастурларини илгари суриш борасида ҳуқуқматлар даражасида мунтазам ва самарали мулоқотлар олиб борилаётгани ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек дўстона ва ишонч руҳида ўтди.

ЎЗА

## МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ НАМУНАСИ

Тошкентда 3 март куни юқори даражадаги "БМТ Глобал аксилтерроор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" халқаро конференцияси ўз ишини бошлади.

Давоми 3-бетда

# ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ “БМТ ГЛОБАЛ АКСИЛТЕРРОР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ” ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

## Бошланиши 1-бетда

Аминманки, бугун сиз Қўшма ҳаракатлар режаси доирасидаги ҳамкорлигимизни ҳар томонлама таҳлил қилишимиз ва уни янги муҳим йўналишлар билан тўлдириб беришимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор ташаббусларни қўриб чиқишни тақлиф этамиз.

Биринчи. Шуниси аниқки, минтақада аксилтерроор стратегияни амалга оширишни муваффақиятли давом эттириш Қўшма ҳаракатлар режаси ижросининг боришини доимий мониторинг қилиш ва танқидий баҳолаш, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамжиҳатлиқдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмларини кучайтиришни тақозо этади.

Шу муносабат билан, минтақамизда БМТ АКСИЛТЕРРОР БОШҚАРМАСИНИНГ ОФИСИНИ ОЧИШ ЗАРУРАТИ АЛЛАҚАЧОН ВУЖУДГА КЕЛГАН ДЕБ ХИСОБЛАЙМИЗ.

Марказий Осиёда терроризмга қарши курашиш йўлида ўзаро мувофиқлашган ҳамкорликдан максимал даражада уйғун самарага эришиш учун унинг хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи етакчи халқлар ва минтақавий ташкилотлар билан яқин алоқаларини таъминлашни тақлиф этамиз.

Иккинчи. Бугун дунёнинг деярли барча мамлакатлари кибермақоладаги терроризм билан тўқнашмоқда. Интернет радикал ғояларни тарқатиш, одамларни ёллаш, террорчилик ҳаракатларини молиявий таъминлаш, режалаштириш ва содир этиш воситасига айланмоқда.

Бундай шароитда давлатларимизнинг терроризм мақсадларига рақамли технологиялардан фойдаланишга қарши самарали курашиш соҳасидаги салоҳиятини ривожлантириш ғоятда муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг АКСИЛТЕРРОР БОШҚАРМАСИНИ 2020 йилда қабул қилинган Марказий Осиёда киберхавфсизлик ва янги технологиялар бўйича дастурларини бажариш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга қачириб қоламиз.

Ушбу дастур доирасида кибертерроризм соҳасида тажриба ва маълумотлар, тадқиқотлар ва энг яхши тажрибалар алмашинувини ривожлантиришга қаратилган Марказий Осиёда кибертерроризм бўйича Ягона электрон тизимни яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, кибермақолада хавфсизликка таҳдидларнинг транс-чегаравий характериға эга эканлиги ахборот мақоладаги экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларига қарши самарали курашиш имконини берувчи ягона халқаро ҳуқуқий механизмларни яратишни тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, кибермақолада хавфсизликка таҳдидларнинг транс-чегаравий характериға эга эканлиги ахборот мақоладаги экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларига қарши самарали курашиш имконини берувчи ягона халқаро ҳуқуқий механизмларни яратишни тақозо этмоқда.

Учинчи. Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ҳарбий можаорлар ҳудудидан 1500 нафардан зиёд ўз фуқароларини ватанга қайтарди, уларни реабилитация ва реинтеграция қилишда ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиқди.

Шу муносабат билан БМТнинг АКСИЛТЕРРОР БОШҚАРМАСИ ШАФЕЛИГИДА Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи мутахассислари орасидан Минтақавий эксперт кенгаш таъсис этишни тақлиф қиламиз. Радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни реабилитация ва реинтеграция қилиш дастурларини такомиллаштириш ҳамда мамлакатларимизда терроризм тарғиботига қарши курашиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш кенгашининг асосий вазифаси бўлади.

Тўртинчи. Терроризм ва экстремизмга қарши муваффақиятли курашишнинг энг муҳим шарти самарали ёшларга оид сиёсатдир. БМТнинг Ёшлар стратегиясида қайд этилганидек, ёшларда ўзини бир неча бор оқлайдиغان бебаҳо ва ғоятда муҳим ресурс муҳим ҳисобланган.

Мамлакатларимиз келажаги ёш авлод қандай инсон бўлиб камол топиши, қандай таълим ва тарбия олиши, биз улар учун қандай шароитлар ва “ижтимоий лифтолр” яратиб беришимизга боғлиқ.

Шу каби барча масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш учун 2023 йилда Самарқанд шаҳрида, илгари тақлиф қилганимиздек, доимий фаолият юртакдан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари Ёшлари кенгашини қачиршни тақлиф қиламиз. Учрашувлар якуни бўйича мамлакатларимиз ёшлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ёш авлоднинг

ўз иқтидорини намоён қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда экстремизм ва терроризм ғояларига қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш йўналишларида тажриба алмашишга доир батафсил Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчи. Хабарингиз бор, БМТнинг Глобал аксилтерроор стратегиясида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, жамиятнинг барча қатламлари иштирокида динлараро ва маданиятлараро мулоқот ғоялари ва тамойилларини илгари суриш муҳим ўрин тутди.

2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг Бош Ассамблеяси махсус “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилди. Резолюцияда сайёраимизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни қарор топтириш алоҳида таъкидланган.

Келгуси йилда БМТ шафелигида юқори даражадаги “Маърифат ва диний бағрикенглик” конференциясини ўтказиш ҳамда конференция якунлари бўйича БМТнинг Махсус резолюциясида мустаҳкамлаб қўйилган ғояларни илгари суриш йўлида амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишни тақлиф қиламиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз улар минтақавий ва глобал миқёсда самарали мувофиқлаштириб борилгандагина натижа беради.

Айнан шу сабабли ҳам бугунги форум, қабул қилинажак Тошкент декларацияси ва Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтерроор стратегиясини амалга ошириш бўйича янгилашган Қўшма ҳаракатлар режаси фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро конференциянинг барча иштирокчиларига сермахсул фаолият, қизиқарили муҳокамадан, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган янги тақлиф ва ташаббуслар ишлаб чиқишини тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК

## Бошланиши 1-бетда

Зиёрат туризми — яна бир муҳим йўналиш. Покистонда нақшбандия тариқатининг миллионлаб вакиллари, улуг алломаларимизнинг ихлосмандлари бор. Қадимий обид ва зиёратгоҳлар, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар мероси икки халқ учун ҳам қадрли.

Президентимиз зиёратларни тизимли ташкил этиш мақсадида қўшма гуруҳ тузиш, икки мамлакат Туризм вазирликларининг ваколатхоналарини очишни тақлиф қилди. Учрашувда илм-фан, экология, олий таълим, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларга ҳам эътибор қаратилди.

Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари, вазирлар эришилган келишув ва келгусидаги режалар ҳақида ахборот берди. Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон уларнинг тақлифларини қўллаб-қувватлаб, тегишли кўрсатмалар берди.

— Уйлайманки, бугунги очиқ ва сермахсул мулоқотларимиз, имзоланадиган ҳужжатлар стратегик шериклигимизнинг янги истиқболли йўналишларини очди. Энг асосийси, биз — икки биродар бир-биримизни яхши тушунамиз. Биз қўйган катта марраларга эришиш учун Ҳукуматларимиз доимий мулоқотда бўлишни зарур, — деди Президентимиз.

Музокаралар мамлакатларимизда ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича катта хоҳиш-ирода ва интилиш борлигини яна бир бор тасдиқлади.

Исломободдаги музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, ҳукуматлар ва идоралар ўртасида имтиёзли савдо тўғрисида, атроф муҳитни асраш, зиёрат туризми, темир йўл соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар, Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси, Тошкент шаҳри билан Исломобод шаҳри ўртасида шартномалар каби 10 га яқин ҳужжат имзоланди.

Бундан ташқари, ташир арасида ўтган бизнес-форумда 800 миллион долларлик қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикасида давлат таширфининг биринчи кун яқунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири ҳар доимидек очкилик ва ишонч муҳитида ўтган музокаралар натижаларини мамнуният билан қайд этдилар. Давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқотда Покистон халқини яқинлашиб келаётган Покистон кун байрами билан яна бир бор табриқлади. Ушбу ташир катта тарихий воқеа — мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги арасида ўтаётгани раъий маънога эга эканини алоҳида таъкидлади. Олий даражадаги конструктив мулоқот, айниқса, кейинги йилларда фаоллашгани Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги шериклик ва ишонч даражасининг жадал ўсиб боришига хизмат қилмоқда.

— Биз Покистон билан биргаликда нафақат икки мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этаямиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимизда амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон” ва “Най Покистон” дастурларининг муштарак экани ҳам икки мамлакатнинг қараш ва интилишлари бир-бирига уйғунлигини тасдиқламоқда.

Ташир доирасида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимнинг имзолангани муҳим қадам бўлди.

Фармацевтика, тўқимачилик, чарм-поабзал, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, банк-молия ва бошқа асосий йўналишларда кооперацияни кенгайтириш юзасидан муҳим келишувларга эришилди.

Томонлар Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган йирик қўшма транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига чиқувчи “Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” стратегик темир йўлини қуриш ишларини яқин муддатларда бошлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

— “Аср лойиҳаси” деб аталаётган “Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли нафақат мамлакатларимиз, балки кенг минтақаларимиз халқлари умумий раънақига хисса қўшишига ишонамиз, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида хавфсизлик, ҳарбий-техник соҳаларида, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда.

Маданий-гуманитар соҳа шериклигининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Икки мамлакат фан, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш тарафдори.

Ўзбекистонда йил сайин урду тилини урганишга қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди. Покистонда ҳам Исломобод замонвий тиллар университети, Панжоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасалари негизда ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини урганишга катта эътибор қаратилмоқда.

— Ташир давомида салмоқли ҳужжатлар тўпламини, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларацияни имзоладик. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича бўлажак саъй-ҳаракатларимиз белгилаб олинган. Маънавий илдилардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгусида ҳам халқларимизнинг орзу-интилишларига ва биз тузаётган катта-катта режаларга мос равишда янги марраларга кўтарилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикасида давлат ташири давом этмоқда.

ЎЗА

## Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси:

# “МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ҲАМКОРЛИГИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ЖИҲАТЛАР КЎП”

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг тақлифига биноан, 3 март кун ушбу мамлакатга давлат ташири билан бошланди.

Тарихий муштаракликдан куч олган Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бугун янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда. Жорий йил май ойида Ўзбекистон ва Покистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлади. Бугун Исломободда Ўзбекистон ва Тошкентда Покистон элчихоналари фаолият кўрсатмоқда.

“Дунё” АА муҳбири Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Сайид Али Асад Гилоний билан икки мамлакатни боғлаб турган азалий ришталар ва замонвий муносабатлар ҳақида суҳбатлашди.



— Ўзбекистон — Покистон серқирра ҳамкорлигининг истиқболлари, уларнинг устувор йўналишлари ҳақидаги кўпназарини билиш ҳам биз учун қизиқарли...

— Устувор йўналишларнинг асоси сифатида, биринчи навбатда, олий ва юқори даражалардаги алоқалар янада мустаҳкамланганлигини таъкидлаб ўтишим даркор. Кейинги устувор жиҳатлар ўзаро савдо алоқаларида намоён бўлмоқда. Яъни, Ўзбекистон Покистон учун Марказий Осиё бозорига қирриш дарвоза, шунингдек, Покистон ҳам Ўзбекистонни бошқа давлатлар билан боғлашда муҳим йўл вазифасини ўтади.

Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигида икки томонлама манфаатли жиҳатлар кўп. Жумладан, Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигида иш қуришининг Афғонистондаги вазиятга ҳам илҳомий таъсири бор. Афғонистоннинг асосий қўшилари сифатида мамлакатларимиз афғон заминидаги ахвол барқарорлашувида катта роль ўйнайди.

Ўзаро савдо алоқалари кенгайишига йўл очилмоқда. Покистон ўз эшикларини Ўзбекистон учун очган ва биргаликдаги тадбирлар қарови кенгаймоқда. Яна бир устувор йўналиш туризм соҳасидир. Бобурийлардан қолган меморий ёдгорликларни қуриш, албатта, ҳар бир ўзбекистонлик учун қизиқарли, деб ўйлайман.

Давлатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро бир-бирини англаши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқади. Бу эса биз учун ва биздан кейинги авлодлар учун ҳар томонлама ёрқин келажакни қуришга асос бўлади.

“Дунё” АА

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА



Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ 2021 йилда амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ўрганилди ҳамда 2022 йилда бажарилиши белгиланган устувор вазифалар кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, илм-фан ва инновацион фаолиятни тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилиши натижасида соҳада рақобат, манфаатдорлик ва жавобгарлик муҳити шаклланди.

Янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида 248 та илмий ишланма тижоратлаштирилди. Бунда 136,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 16,3 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди, 90 та стартап компанияга асос солинди.

Мамлакат иқтисодийотида илмий ҳажмдор янги технологияларни тезкор жорий

қилиш учун технологиялар трансфери амалиётга киритилди. 2021 йилда 13,5 миллион доллар инвестиция ҳамда 8,1 миллион доллар ташқи бегараз кўмак маблағлари жалб этилди. Илмий ташиқлотларга 67 миллиард сўмлик 214 турдаги илмий лаборатория асбоб-ускуналари харид қилинди.

Бугунги кунга қадар республика миқёсида технопарк, бизнес инкубатор, бизнес акселератор, коворкинг марказ, ўқув марказ, инновацион полигон каби янги 17 та инновацион инфратузилма ташкил этилди.

Худудларда инновацион фаолиятни янада жадаллаштириш, мавжуд

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга илмий-техник ечимлар тақлифини шакллантириш, ҳудудий илмий тадқиқот лойиҳалари тижоратлаштирилишини таъминлаш, аҳоли, хусусан, ёшларнинг тарзда қўллаб-қувватлаш тизимини тўлиқ ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда инновацион ривожланиш бошқармалари фаолияти йўлга қўйилди.

Инновацион ҳудудга айланттирилаётган 13 та туманда тахминан 1300 та янги иш ўрнига эга 80 та корхона фаолият юритмоқда.

Муҳокама давомида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб инновацион ҳудудларда тўлганган тажрибани бошқа ҳудудларга босқичма-босқич жорий қилиш орқали мамлакат марказидан олис ҳудудларга “тубдан янгиловчи” инновациялар кириб боришини таъминлаш топширилди. Бунда инновацион ҳудудларда 2022 йилда кичик инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тайёр камда 100 та тижоратлаштириш лойиҳаси бўйича тақлифлар портфелини шакллантириш ва босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган.

# МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ НАМУНАСИ



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Европа Иттифоқи, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ минтақалари, Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар таҳлил марказларининг 600 нафардан зиёд юқори мартабали расмийлари, етакчи экспертлари, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этяпти.

Қайд этиш жоиз, Тошкент халқаро конференцияси Ўзбекистон Президентининг Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлди. Форумнинг тантанали очилиш маросимида дастлаб давлатимиз раҳбарининг конференция иштирокчиларига мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби Виктор Махмудов ўқиб эшиттирди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш халқаро анжуман қатнашчиларига йўллаган видеоурожаатида, жумладан, конференция терроризмга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш

муҳимлигини ҳамда тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва умумбашарий тараққиёт каби қадриятларнинг аҳамиятини яна бир бор эслатишни таъкидлади. Анжуманнинг ялпи йиғилишида барча ташкилотчи ва ҳамкор тузилмалар, Марказий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Хитой, Франция, АҚШ, Россия сингари жаҳоннинг етакчи давлатларидан юқори мартабали мутасадди вакиллар маърузалари тингланди. Суза чиққанлар мазкур нуфузли форум бугунги таҳликали, глобал сиёсий, иқтисодий ва бошқа хавф-хатар, таҳдидлар авж олаётган бир даврда нечоғлиқ долзарб аҳамият касб этишини таъкидладилар. Марказий Осиёнинг беш мамлакатининг 2011 йилда БМТ Глобал аксилтеррор

стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлаган. Ўтган давр мобайнида Марказий Осиё минтақавий муҳим муаммоларни, хусусан, терроризм ва экстремизмни конструктив ҳал этишда сезиларли ютуқларга эришгани эътироф этилди. Дарвоқе, мазкур анжуман, БМТ Бош котиби ўринбосари — Контртеррор бошқармаси раҳбари Владимир Воронков таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатлари томонидан тақлиф этилган минтақавий ҳамкорликнинг ноёб намунаси, бошқа ҳудудларни ҳам шундай қадам ташлашга илҳомланган илк минтақавий ҳужжат — “Қўшма ҳаракатлар режаси” амалга оширилишининг ўн йиллигига яқун ясади. Конференциянинг ялпи йиғилиши якунига қўра, Тошкент декларацияси ҳамда минтақавий БМТ ГАТСни амалга оширишнинг ноёб тажрибаси билан танишиш, шунингдек, ўн йиллик ҳисобот, манфаатдор томонлар ўртасидаги маслаҳатлашув ва консенсус асосида тайёрланган Қўшма ҳаракатлар режасининг янги таҳрири тақдим этилди ва тасдиқланди. Биринчи кун дастурига мувофиқ, анжуман иши секция йиғилишлари билан давом эттирилди. “Терроризм тарқалишига олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш” мавзусига бағишланган муҳокамада Марказий Осиёнинг барча давлатлари стратегик ва минтақаларо тадқиқот муассасалари раҳбарлари, ЕИ, БМТ ТД, ЕХХТ мутасаддилари иштирок этди. Экспертлар минтақавий ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор тақлифларни илгари сурди. Хусусан, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, радикализм ва радикал мафкура тарафдорларини реабилитация қилиш соҳасида фикрлашиш орқали минтақавий таҳлилий тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ОАВ ва ижтимоий тармоқдан бузғунчи мафкура тарғиботининг асосий омилли сифатида фойдаланиш



Ҳаминг йўлдошев олган суратлар.

хавфини камайтириш учун янги технологиялар ва киберхавфсизлик соҳасида тажриба алмашиш зарурлигига эътибор қаратилди. Зеро, Марказий Осиё давлатлари минтақавий терроризм ва экстремизм тарқалишига биргаликда қарши туриш учун улкан салоҳиятга эга. Иккинчи секция йиғилиши — “Терроризмнинг олдини олиш ва ушбу иллатга қарши курашиш” масаласи бўйича халқаро ташкилотлар, таҳлил марказлари вакиллари, мустақил тадқиқотчилар ўз фикр, мулоҳазаларини билдиришди. Терроризмни моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ умумий хавф-хатар, тенденция ва усуллари аниқлашга қаратилган типологик лойиҳалар доирасидаги тадқиқот фаолияти таҳлил этилди. Айтиш жараёнда ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Чақирув ва таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни кенгайтириш учун кучли салоҳият мавжудлигини ҳисобга олиб, иштирокчилар БМТ ГАТС мақсадларига эришиш учун келгусида

самарали ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Шунингдек, терроризмга қарши курашиш жараёнига оид мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, психологик ва техник жиҳатлар ҳам қўриб чиқилди. Анжуманнинг навбатдаги секция йиғилишида икки нуфузли халқаро ташкилот — ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва ЕХХТ вакиллари тақдими намоёни этилди. “БМТ ГАТСни амалга ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари учун Қўшма ҳаракатлар режаси қондаларини инобатга олган ҳолда, ШХТ маконида терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик” ҳамда “Жанговар ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан қайтарилган аёллар ва болалар билан ишлашда ёш тоифаси ҳамда гендер масаласи” мавзулари муҳокама қилинди. Халқаро анжуман давом этяпти.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН НАФАҚАТ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА, БАЛКИ БУТУН ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Тошкент шаҳрида ўтказилаётган “БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” мавзусидаги халқаро анжуманда илгари сурилган ташаббуслар халқаро сиёсатчилар ва экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. “Дунё” АА мухбирлари халқаро форум иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

**Ашита МИТТАЛ,**  
БМТнинг наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили:

— БМТнинг Ўзбекистондаги жамоаси номидан Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкентда жуда муҳим мавзудаги конференция юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдираман. Ушбу муҳим ташаббус ўз вақтида илгари сурилди, зеро, терроризм халқаро тинчлик ва хавфсизликни ҳиддий таҳдидга солишда давом этмоқда ва БМТнинг асосий қадриятларига раҳна солмоқда. Биз ўта мураккаб кураш олиб бораёмиз ва терроризмга фақат жиноятчиликнинг бир тури деб қараш етарли эмас. Бу муаммо ўзига кўп қиррали ёндашуви талаб қилмоқда. Ишонч билан айтишим мумкинки, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон ва минтақа

давлатлари тажрибасидан ўрнадаган жиҳатлари кўп. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг ва халқининг Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, минтақавий тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасидаги улкан ютуқлар билан самимий табриқлайман. Бугун биз Марказий Осиё мамлакатларининг минтақа олдига турган хавфсизлик муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, шунингдек, нафақат ушбу минтақа, балки бутун дунё учун долзарб бўлиб турган муаммоларни муҳокама қилиш ва бартараф этиш бўйича мувофиқлаштирилган жараёни



таъминлашга қаратилган жамоавий иродасини кўряпмиз. Марказий Осиё давлатларидан муштарак саъй-ҳаракатлар, хусусан, Ўзбекистон Президентининг томонидан Афғонистонда тинчликни таъминлаш масаласига қаратилган алоҳида эътибор ва унинг ушбу минтақа билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича ташаббуслари учун миннатдоримиз.

**Мунир МАММЕДЗАДЕ,**  
ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Маълумки, ЮНИСЕФ можароли ҳудудлардан олиб келинган аёллар ва болаларни репатриация ва реинтеграция қилиш бўйича глобал даражадаги тадбирларни ҳаётга татбиқ қилишда етакчилик қилади. Бизнинг вазифамиз бундай вазиятга тушиб қолганларни жамиятга, оиласига қайтариш ва муваффақиятли реинтеграция жараёнидан ўтиш билан боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон бошқа давлатлар учун намуна бўлаётганини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Биз Ўзбекистон тажрибасини жаҳон миқёсида расмийлаштирдик ва уни кенг тарғиб қилаямиз. Чунки бу энг яхши тажрибалардандир. ЮНИСЕФ “Меҳр” махсус амалиётлари бошланган дастлабки кунларданок уни амалга оширишда фаол иштирок этиб, тегишли давлат тузилмаларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бугунги кунда ЮНИСЕФ Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланган қатор чора-тадбирларни бажариш жараёнига ҳам ёрдам кўрсатмоқда. Бизнинг мақсадимиз ўз хоҳиш-иродасига қарши тарзда жанговар ҳаракатлар ҳудудларига тушиб қолган аёллар ва болаларни камситилардан ҳимоя қилишни кучайтириш, шу билан бирга, болаларга уларнинг болалигини қайтариб беришга қўлағишдан иборатдир. Ўзбекистон раҳбариятининг бу масаладаги юксак сиёсий иродасини эътироф этиш керак. Турли сабаблар билан уруш ўчоқларига бориб қолган ва қийин шароитлар қурбонига айланган ҳар бир аёл ва уларнинг фарзандларини Ватанига қайтариш вазифаси аниқ белгилаб қўйилган.



**Холид Таймур АКРОМ,**  
Покистондаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар марказининг ижрочи директори:



— Терроризмга қарши курашиш масаласида ўзининг қатъий

нуқтаи назарига эга бўлган Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб Ҳисса қўшиб келмоқда. Тошкент шаҳрида ўтаётган юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этилиши доирасида ташкил этилгани билан катта эътиборга сазовордир. Ушбу халқаро анжуманда терроризм деб аталмиш умумбаша-

**Аманжол ЎРОЗБОВ,**  
Қозоғистон “Терроризмга қарши кураш қўмитаси” республика жамоат бирлашмаси раҳбари:

— Ушбу тадбирни ташкил этгани ва менинг назаримда, бундай жуда салмоқли аудиторияга меҳмонлик қилгани учун меҳмондўст Ўзбекистон халқига ўз миннатдорлигини билдирамиз. Халқаро анжуманда муҳокама қилинаётган масалалар ва қабул қилинадиган қарорлар терроризмга қарши кураш бўйича биргаликдаги самарали фаолиятимизнинг асосини ташкил этиши керак. Айтиш мумкинки, биз икки ва кўп томонлама форматларда биргаликдаги ҳаракатларда жуда катта тажрибага эгамиз. Навбатдаги учрашув бизни янада аниқ вазифаларни ҳал этишга ундаши лозим. Ўзбекистон Президентининг томонидан анжуман иштирокчиларига йўлланган мурожаатда билдирилган тақлифлар жуда муҳим. Давлатингиз раҳбарининг тақлифлари батафсил ўрганилиб, улар минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаати учун аниқ чора-тадбирлар режаси шаклида амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблайман.



рий муаммога қарши курашнинг мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, психологик ва техник жиҳатлари, шу билан бирга, Марказий Осиё давлатларида БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини ҳаётга изчил татбиқ этиш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилмоқда. Шубҳасиз, БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясининг ижроси терроризмга қарши кураш борасида миллий сиёсат, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни тақомиллаштиришга катта ёрдам беради. Мен Исломободдан келдим. 3-4 март саналари биз, покистонликлар учун муҳим кунлардир.

Чунки Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазирини Имрон Хоннинг тақлифига биноан, давлат таширфи билан менинг она юртимда бўлиб турибди. Ушбу таширф муваффақиятли ўтишига ишонаман. Чунки ўзаро алоқаларимиз барча йўналишларда тобора мустаҳкамланиб бормоқда, бундан ташқари, тарихан қарор топган маданий ва маънавий муштаракликлар ҳамда келажакка бўлган умумий интилишлар мамлакатларимиз халқларининг тараққиёти ва фаровонлиги йўлида бизларни тобора жипслаштирмоқда.

“Дунё” АА



**Грег ХЭНДС,**  
Интерпол ташкилотининг террорчиликка қарши кураш бошқармаси директори:

— Интерпол учун ушбу тадбир Марказий Осиё давлатлари ва барча манфаатдор иштирокчилар ўртасидаги муҳим учрашувга айланди. Халқаро ташкилот сифатида биз терроризмга қарши курашни минтақавий ва глобал миқёсда қўллаб-қувватлаймиз. Шунинг учун ушбу мулоқотнинг бир қисми бўлиш биз учун жуда муҳим. Хавфсизликни таъминлаш ва ҳар қандай террорчилик хавфини олдини олишда Интерпол

муҳим роль ўйнайди. Биз Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюросидаги ҳамкорлигимиз билан учрашиб, жуда самарали музокаралар ўтказдик. Уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш биз учун жуда муҳим эди. Биз терроризмга қарши курашда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларини бор имкониятларимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

БУГУННИНГ ГАПИ

# ЭЪТИБОРГА АРЗИГУЛИК ТАШАББУС

## 2022-2024 ЙИЛЛАРДА “БИЗНЕС АЁЛЛАР” ДАСТУРИ УЧУН 8 ТРИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

**Адиба АХМАДЖОНОВА,**  
Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси раиси

Аёл тадбиркор, бирор соҳа вакили бўлгани, оиласига қўшимча даромад келтиргани яхши. Аммо бугун ҳамма соҳада ҳам билим, уқув, тажриба зарур. Янги технологиялар, замонавий ёндашувларни эгалламай туриб, ишни ривожлантириш мушкул. Бу борада юртимизда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари аёлларни касбга ўқитиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича яхши тажрибага эга.

Жорий йилнинг 1 март куни Президентимиз раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ана шундай ташкилотлар аҳамияти ҳақида ҳам сўз борди. Аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликларнинг олдини олиш, гендер тенгликни таъминлашга оид белги-ланган вазифаларни иштроқчилар қаторида катта ҳаяжон ва қизиқиш билан тинглади.

Ҳар бир йўналиш, айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Тадбиркор аёллар улусини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастурини қабул қилиш, унинг ижросига жами 8 триллион сўм маблағ йўналтиришга эътибор ариштирилди. Тадбиркор аёллар улусини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастурини қабул қилиш, унинг ижросига жами 8 триллион сўм маблағ йўналтиришга эътибор ариштирилди. Тадбиркор аёллар улусини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастурини қабул қилиш, унинг ижросига жами 8 триллион сўм маблағ йўналтиришга эътибор ариштирилди.

Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ҳам фаолияти давомида бу йўналишда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, бу борада меҳнат бозориди

аёлларнинг ўз-ўзини банд қилиши, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизimini такомиллаштириш, қишлоқ жойларда сервис хизматлари соҳаларини ривожлантириш долзарб вазифадир. Бу ишлар давлат ва халқаро ташкилотлар ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилади.

Қишлоқ ҳўжалигини инновацион ривожлантириш, соҳага малакали кадрлар тайёрлаш, ички ва ташқи бозорга сифатли қишлоқ ҳўжалигига оид ва қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам аёлларнинг ҳиссаси ва потенциали катта. Хусусан, бугунга қадар юртимизда селекциячи олималаримиз томонидан 15 дан ортиқ ғўза ва бўғдаи навлари яратилган.

Уюшма томонидан ноанъанавий, юқори даромад келтирувчи қишлоқ ҳўжалик эканларини кўпайтириш, уларни ички ва ташқи бозорларга йўналтиришга қаратилган ўқув семинарларига етакчи давлатлар мутахассисларини жалб этиш яхши самара бермоқда. Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси ўқув марказида манзарали ўсимликлар ва гулчиликни ривожлантириш бўйича бир ҳафталик ўқув-амалий семинарда ушбу соҳага қизиқувчи 20 дан ортиқ аёл ўқитилди. Иккинчи босқичда уларнинг 5 нафари жорий йил апрель ойида Туркия давлатининг компания ва фирмаларида малака ошириши мўлжалланган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш уларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашлари учун имконият эшикларини очди. Бу борада ҳам изчил ишларни амалга оширяпти. Ташкент вилоятининг 3 та туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва аграр



соҳадаги аёллар учун бепул юридик хизмат кўрсатилган пунктлар ташкил этилди. Шу вақтга қадар малакали юристлар томонидан 3 мингдан ортиқ аёлларга ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам кўрсатилиб, 30 дан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Ҳудудларда семинарлар ташкил этиб, аёлларни жамиятда фаол бўлишга қўллаб-қувватлаш мақсадида Оролбўйи туманларига муайян вилоятлар бириктирилгани, бунинг сабаби ва аҳамияти ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди: “Оролбўйида ахвол ёмон деб кўпчилик гапирди. Лекин ҳамма ҳам бу ерга келиб кўрмаган. Оролнинг ҳавосидан нафас олиши, шароитни кўриб, адолатли баҳо бериши учун бу ерга бутун республикадан раҳбарларни юбордим. Қорақалпоғистон ривожига катта маблағ йўналтирамиз...”

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Бузатов, Мўйноқ, Тахтакўпир ва Қўнғирот туманлари Президентимиз қарори билан чорвачиликка ихтисослаштирилган. Мазкур ҳудудларда ташкил этилган семинарларда чорвачиликнинг замонавий усуллари, етиштирилган маҳсулотларни ўй шароитида қайта ишлаш орқали даромадини кўпайтириш имкониятлари қўллаб-қувватлашга мотиация берди.

Уюшманинг қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлашга қаратилган энг катта сазй-ҳаракатларидан бири, бу — республикада “Халқаро қишлоқ аёллари” кўни нишонланшига ташаббускор бўлгани. Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши билан 2019 йилда Ўзбекистонда илк бор “Халқаро қишлоқ аёллари кўни” нишонланиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 442 та тадбир ўтказилди. Уларда иштирок этган 62,3 минг хотин-қизнинг 19,2 минг нафари моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бу байрам эндиликда ҳар йили анъанавий тарзда нишонлаб келинаётгани қувонарли ҳол.

Аёллар қайси соҳада ишлагани, доим эътирофга лойиқ, 2021 йилда байрам сана-си арафасида аграр соҳадаги энг етуқ, ишлаб чиқаришга инновацион ғояларини татбиқ этган, ўз мактабини яратган 6 нафар олимга ҳақида 28 дақиқалик “Илм юлдузлари” номли ҳужжатли фильм ҳамда соҳадаги энг илғор 41 нафар аёлнинг ибратли ҳаёти ва илмий ишлари натижаларига бағишланган “Аграр соҳа олималари” номли китоб тайёрланди.

Биз фаолиятимизни янада кенгайтира бориб, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиб, камбағалликни қисқартиришга қаратилган йирик лойиҳаларда иштирок этиш, хотин-қизлар кооперацияларини ташкил қилиш сингари йўналишларда ҳам иш олиб боришни мақсад қилиб олганмиз.



## НАМАНГАНЛИК ТАДБИРКОРЛАР ҚОРАЎЗАКДА ИШ БОШЛАДИ

**Орифжон Жўраев,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Яқинда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ҳудудларни биргаликда ривожлантириш мақсадида Оролбўйи туманларига муайян вилоятлар бириктирилгани, бунинг сабаби ва аҳамияти ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди: “Оролбўйида ахвол ёмон деб кўпчилик гапирди. Лекин ҳамма ҳам бу ерга келиб кўрмаган. Оролнинг ҳавосидан нафас олиши, шароитни кўриб, адолатли баҳо бериши учун бу ерга бутун республикадан раҳбарларни юбордим. Қорақалпоғистон ривожига катта маблағ йўналтирамиз...”



Бу ишга қизиқиш билдирган бир гуруҳ наманганлик тадбиркорлар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш мақсадида Қораўзақ туманига ташриф бурди.

Айтиш кераки, олис манзилни обод ва тараққий топтиришга бел боғлаган тадбиркорлар ва ишбилармонлар, иқтисодий соҳа ва қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларидан иборат Наманган вилояти делегацияси ўтган йилнинг декабрь ойида ҳам мазкур туманга бориб, қатор лойиҳалар ижросига киришганди.

Тумани комплекс ривожлантириш учун бор имкониятни ишга соламан. Бу борада қиладиган ишларимиз аниқ, — деди Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов. — 53 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган туманда наманганлик тадбиркорлар иштирокида катта лойиҳалар йўлга қўйилди. ерлар ўзлаштирилади, қишлоқ ҳўжалиги кластерлари ташкил этилади. Тикув-трикотаж корхоналари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар бунёд этилади. Эзгу сазй-ҳаракатларимиз дебодчаси сифатида ўтган йилнинг декабрь ойидан Наманган

**“**  
**2022 йилдаги қишлоқ ҳўжалик лойиҳалари учун жами сазкизта кудуқ қазилиб, иккита насос ўрнатилди. Ҳозиргача Намангандан борган олти нафар ташаббускор тадбиркор томонидан ўзларига ажратилган ер майдонлари атрофидаги ариқларни қовлаш, тозалаш ҳамда аҳоли қирғоқларига терак кўчатлари экиш юмушлари бажарилди.**  
**”**

вилоятининг Қораўзақ туманидаги ваколатхонаси иш бошлади.

Қораўзақ туманида 2022–2024 йиллар мобайнида жами 10 минг 148 гектар майдонда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилади. Бундан ташқари, саноат ва бошқа

йўналишларда жами 17 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунинг учун жами 222,6 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилади. Пировардида 875 та янги иш ўрни яратилади.

2022 йилдаги қишлоқ ҳўжалик лойиҳалари учун жами сазкизта кудуқ қазилиб, иккита насос ўрнатилди. Ҳозиргача Намангандан борган олти нафар ташаббускор тадбиркор томонидан ўзларига ажратилган ер майдонлари атрофидаги ариқларни қовлаш, тозалаш ҳамда аҳоли қирғоқларига терак кўчатлари экиш юмушлари бажарилди.

Масалан, “Наманган-Нукус чорва” фермер ҳўжалигига “Қуралпа” ОФЙ ҳудудидан 200 гектардан ортиқ ер майдони ижарага берилди. Бу ерга фермер ҳўжалиги гапла экади. Майдонда наманганлик ишбилармонлар атлақчалари ишларини бошлаб юборишди. Шунингдек, Қораўзақка 100 минг туп терак ва манзарали дарахт кўчатлари етказилди.

Айни пайтда туманда шу пайтгача фойдаланилмай ётган икки қаватли бино мукаммал таъмирдан чиқарилимоқда. Бу ерда тез орада “Ишга марҳамат” мономаркази иш бошлади. Шунингдек, жаммууда ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга тайёрлаш курслари ҳам ташкил этилади. Малакага эга бўлган аёлларга шу ернинг ўзида ишлашлари ва барқарор даромад топишлари учун шароит яратилади.

Наманган вилояти ҳокимлиги Қораўзақ туманининг олис овул ва қишлоқларидидаги сув таъминотини яхшилашга ҳам киришди. Шу мақсадда чекка қишлоқларда кудуқлар қовланиб, сув чиқарилимоқда. Кудуқларга “Andeli” ва “Eco” компанияларининг сузни фильтрлаш ва тозалаш жиҳозлари ўрнатилиб, аҳолига зилпол сув етказиб берилади.

Наманганнинг машур брендлари — “Art soft”, “Ideal”, “Adim”, “Чуст текстиль”, “Наманган пахта текс”, “Ифтихор кийим санат”, “Туқмачи саноат текстиль” корхоналари ҳамкорлигида Қораўзақ туманида тикувчилик корхонасига асос солинди. Ииллик йигирма миллиард сўмдан зиёд бир миллион дондан ортиқ маҳсулот тайёрлаш қувватига эга ушбу корхона узоқ йиллардан буён бўш ётган туман агроиқтисодий коллежи биносидида иш бошлади. Бугунги кунда бу ерда қораўзақлик 300 дан зиёд аёл иш билан банд.



## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# “ТАРТИБГА СОЛИШ ГИЛЬОТИНАСИ”

## қандай мақсадларга хизмат қилади?

**Зафар РАҲМОНОВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими

Тараққиёт нафақат илғор ғояларни амалга оширишни, шунингдек, эскириб қолган тартиб, бюрократик ғов ва тўсиқлардан ўз вақтида воз кечишни ҳам тақозо қилади. Бу борада халқаро тажрибада “тартибга солиш гильотинаси” усулидан фойдаланиб келинади.

Даставвал, мазкур тамойил иқтисодий ўсишдаги тўсиқларни бартараф этиш ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 1980 йилда Швецияда ишлаб чиқилган. Унинг асосий моҳияти қисқа муддатларда амалдаги норматив-ҳуқуқий базани хатловдан ўтказиш ва қонунчиликка ёки бир-бирига зид бўлган, ўз аҳамиятини йўқотган, амалда ортиқча харажат талаб қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилишга қаратилган эди.

Айни кезде Жанубий Корея, Хорватия, Сербия, Буоқ Британия, Мексика, Вьетнам, Миср, Кения каби давлатлар қонунчилигида бу услуб амал қилиб келяпти. Бу жараён қисқа муддатда ўтказилса-да,

ялли ички маҳсулот ҳажмининг сезиларли даражада ошишига ва қўшимча иш ўринлари яратилишига хисса қўшади. Бунга амалий мисол тарихида Жанубий Кореяни келтириш мумкин. Давлат қарийб бир йил давомида 11 000 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқди ва уларнинг тенг ярмини бекор қилди. Натижада ЯИМ ҳажми 36 миллиард долларга ўсган бўлса, қўшимча 1 миллион иш ўрни яратилди.

Халқаро тажриба “Тартибга солиш гильотинаси” усулини қуйидаги кетма-кетликда татбиқ этиш самарали бўлишини кўрсатиб келмоқда. Биринчидан, ҳукумат ёки ишроҳотларни амалга ошириш вази-



фаси юкланган бошқа идора унинг асосий мақсадларини белгилайди. Иккинчидан, ҳукуматнинг топшириғига биноан, масъул идора белгиланган муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиради. Ушбу норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар қонунийлиги, долзарблиги ва бозор муносабатларига қанчалик мослиги юзасидан хатловдан ўтказилади. Учинчидан, хатловдан ўтказилган барча ҳужжатлар ягона реестрга жамланади. Таҳлилларга қўра, уларнинг талабларга зид деб топилгани ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади.

Бундан икки йил олдинги таҳлиллар Ўзбекистон миллий қонунчилик базасида 30 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги, уларнинг 5 фоизини қонунлар, қолган қисмини эса қонуности ҳужжатлари ташкил этишини кўрсатди. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан норма ижодкорлиги жараёнида амал қилиш лозим бўлган бир қатор принципиал ўзгаришлар киритилди. Бинобарин, Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар билан биргаликда ўтказилган хатлов 2,5 мингга

яқин эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юқини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқчи қўллаш амалиётида зиддиятларни келтириб чиқараётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги аниқланган эди.

Фармонга биноан, 500 га яқин қарорлар эскирган, 106 таси қисман ўз кучини йўқотган деб топилди ва миллий қонунчилик тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари илгари сурилди. Жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни кенг қўламда қайта кўриб чиқиб, уларни бекор қилишни таъминловчи “тартибга солиш гильотинаси” усули жорий этилиши белгиланди.

Ҳужжатда институционал ўзгаришлар назарда тутилиб, Адлия вазирлиги таркибида тартибга солиш тазсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилди. Барча давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида бу йўналишда масъул ходимлар иш олиб бориши йўлга қўйилди.

Президентимизнинг мазкур фармони ижросини таъминлаш доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги қарори билан 1 887 та тартибга солиш юқи эскирган ҳамда ҳуқуқчи қўллаш амалиётига зид бўлган ҳолатларни келтириб чиқараётган Ҳукумат қарорлари бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик

базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони билан 380 та ҳужжат ўз аҳамиятини йўқотган, деб топилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарорлари хатловдан ўтказилиб, унинг натижасида қўшимча равишда 482 таси эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотганлиги учун бекор қилиш бўйича тақлифлар тақдим этилди.

Ўтган йили ҳокимларнинг 4 343 та умуммажбурий бўлган қарорлари “Тартибга солиш гильотинаси” қўллаш асосида бекор қилинди. Бунинг натижасида давлат ҳисобига турган маҳаллий умуммажбурий ҳужжатлар сони 70 фоизга камайди.

Умуман олганда, 2021 йилда адлия органлари томонидан ўтказилган мониторингларда ҳокимларнинг 2500 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган қарорлари қабул қилингани аниқланди. Киритилган таъсир чораларига асосан, уларнинг 2098 таси бекор қилинди.

Ана шу рақамлар ҳам кўрсатиб турибдики, “Тартибга солиш гильотинаси” тамойилининг жорий этилиши натижасида тадбиркорларга ғов бўлиб келётган турли маъмурий чекловлар бартараф этилапти, иқтисодий тармоқларда юқори самардорликка эришиш жараёни ва бизнес юритиш муҳитини яхшилашига хисса қўшмоқда.

ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

# АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР



**Абдулла ҚҮЛДОШЕВ,**  
фавқулодда вазиятлар вазири,  
генерал-майор

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилди.

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизими яратилмоқда**

Ўтган қисқа давр мобайнида юртимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этиш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Фавқулодда вазиятлар вазирилик тизимига Ички ишлар вазириликнинг Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари, Ёнгин хавфсизлиги институти ҳамда Мудофаа вазириликнинг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни бошқариш хизмати ўтказилди.



Шу муносабат билан вазирилик зиммасига ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, жумладан, ёнгинларнинг самарали профилактикаси ва олдини олиш, ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этиш бўйича давлат ёнгин назоратини амалга ошириш, ёнгинларни ўчиришни, ёнгин содир бўлган ҳудуддаги инсонлар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кутқаришни ташкил этиш, шунингдек, атроф табиий муҳитни ёнгинлардан асраш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди.

Туман (шаҳар) ёнгин хавфсизлиги бўлиммалари базасида тегишли фавқулодда вазиятлар бўлимлари шакллантирилди. Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасининг ёнгинга қарши қисмларига ёнгинларни ўчиришдан ташқари кутқарув ишларини бажариш вазифалари юклатилиб, вазириликнинг ёнгин-кўтқарув тузилмаларига айлантирилди.

Бирлаштирилган тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва тўлақонли интеграциялашуви учун Фавқулодда вазиятлар вазирилик тизимида ёнгин-кўтқарув кучлари жанговарлигини таъминловчи, шунингдек, фавқулодда вазиятлар ва ёнгин хавфсизлиги профилактикаси, ёнгин назоратини амалга ошириш бўйича вазирилик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилмаларни ташкил этилди.

Ёнгин хавфсизлиги институти, Бошланғич тайёрларлик ва малака ошириш маркази ҳамда Фуқаро муҳофазаси институти негизда Фавқулодда вазиятлар вазирилик академияси ташкил этилди. Шу билан бирга, Шаҳри-сабз шаҳрида “Темурбеклар мактаби”

ҳарбий-академик лицейи ташкил этилгани ва бу билан вазирилик тизимида узлуксиз таълим тизимининг изчил йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

**Сейсмопрогностик кузатувлар тармоғи 30 фоиз кенгайтирилди**

Тизимдаги янгиланишлар натижасида фаолияти йўлга қўйилган Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази, Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси, “Хавфсиз дарё” ДУК, Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни марказий бошқариш хизмати, махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси, Қамчиқ махсус қидирув, ёнгин-кўтқарув бошқармаси, Махсус вазифалар бўйича республика кўтқарув маркази, шунингдек, туман ва шаҳарлардаги ёнгин-кўтқарув бўлиммалари каби тузилмалар вазирилик фаолиятида аввал бўлмаган янги механизм ўлароқ, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида муҳим вазифаларни бажармоқда.

Масалан, Сейсмопрогностик мониторинг республика марказида бугунги кунга келиб сейсмопрогностик кузатувлар



**“ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИГИДА ҲАМ “ЎЗ ВАҚТИДА ОГОҲЛАНТИРИШ, КЎТҚАРИШ ВА ЁРДАМ БЕРИШ!” ШИОРИ ОСТИДА АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИБ, ЭЛУ ЮРТ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА БЎЛАДИ. ЗЕРО, АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР.**

ўзанлари ҳамда қирғоқларини мустаҳкамлаш тадбирлари асосий ўрин эгаллайди.

2015-2021 йилларда маҳаллий ҳокимият органлари балансида бўлган дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тозалаш бўйича 328 та объектда муҳандислик-техник ва бошқа ҳимоялаш ишлари бажарилди.

Жорий йилнинг айна пайтига қадар эса сел ва сув тошқинлари хавфи сақланиб қолган ҳудудларда ўзан тозалаш, қирғоқ мустаҳкамлаш бўйича юзга яқин ўқув-амалий машқ ўтказилди. Мингдан зиёд техника, қарийб 8 минг 300 нафар шахсий таркиб жалб этилган ўқув машқлари давомида 77 минг метр кубдан ортиқ тупроқ, қарийб 27 минг метр куб қум-шағал, харсанг-тош ётқириш, бетонлаш ва ўзан тозалаш ишлари бажарилди.

Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни марказий бошқариш хизмати мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ стратегик вазифаларни бажариб келмоқда. Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси томонидан вазириликнинг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, жойларда муҳандислик-муҳофаза, қурилиш-муҳандислик, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

тармоғи 30 фоиз кенгайтирилди. Сейсмик кузатувлар тармоғининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фарғона, Наманган, Жиззах ва Навоий вилоятларида 1 тадан, Тошкент вилоятида 2 та, жами 6 та янги рақамли сейсмик станция очилди. Магнитометрик кузатувлар сони 5 тадан 15 тага, гидрогео-сейсмологик кузатувлар сони 32 тадан 36 тага, сейсмометрик кузатувлар сони (онлайн режимда) 15 тадан 36 тага етказилди. Сейсмик станцияларга юқори аниқликдаги CMG-54T акселерометрлари ўрнатилди.

IT технологияларни соҳага кенг жорий этиш орқали соҳага оид ахборотлар тегишли давлат органларида 4-7 дақиқа вақт оралиғида етказиб берилиши йўлга қўйилди.

Вазирилик Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги “Кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, кичик ҳажмли кемаларни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, кема билети ва борт рақамини бериш ҳамда рўйхатдан чиқариш каби шу йўналишга доир тартибларни назарда тутувчи Кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш (иншоотлардан) фойдаланиш қондалари тасдиқланиб, ушбу йўналиш бўйича тизимли назорат ўрнатилди.

“Хавфсиз дарё” ДУК нафақат дарё, канал ва сойлар ўзанларини тозалаш, балки тадбиркорлик фаолияти ривожига ҳам кенг йўл очди. Умуман олганда, мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини сел-сув тошқинларидан муҳофаза қилиш вазирилик фаолиятининг асосий вазифаларидан биридир. Бунда юртимиздан оқиб ўтувчи дарё ва каналлар

Ушбу амалий саъй-ҳаракатларда вазирилик билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, ҳудудий ҳокимликлар, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда бошқа тегишли хизматларнинг куч ва воситалари, шахсий таркиби фаол иштирок этапти.

**Орол денгизининг қуриган тубида 1 миллион 658 минг гектар ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди**

Шу ўринда Президентимизнинг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида 2018-2021 йилларда вазирилик томонидан амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида қурғоқчиликка чидамли чўл ўсимликларининг 5 минг 811 тоннадан ортиқ, шундан 3 минг 474 тонна саксовул, 1 минг 589 тонна қорабуроқ, 637,6 тонна қандим ва 111,6 тонна бошқа турдаги уруғлари экишга тайёрланди. 5 та самолёт ва дельтаплан ёрдамида 1 минг 122 гектар, 930 дан ортиқ махсус техника ва трактор ёрдамида 450,5 минг гектар, 3 минг 900 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим ёрдамида 85,5 минг гектар майдонга чўл ўсимликлари кўчати экилди. Ўрмон-мелиорация ишлари давомида Орол денгизининг қуриган тубида жами 1 миллион 658 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди. 1 миллион 80 минг гектар майдонда қум йиғувчи ариқлар ташкил этилди. Оролбўйи ҳудудидаги Қораўзак, Тахтақўпир, Бўзатов ва Мўйноқ туманларида 177 та артезиан қудуғи фойдаланишга топширилди. Айна пайтда давом эттирилаётган ушбу эзгу ишлар аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш кўламини оширишга хизмат қилапти. Шунинг баробарида, инсон қадрини юксалтириш йўлидаги



қарув бошқармаси ташкил қилиниши бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириб, доvon йўлида яхлит бир ҳаракатланувчи тизим ва ўзига хос механизм яратилишига асос бўлди.

Ушбу бошқарма фаолияти йўлга қўйилиши натижасида доvonда мунтазам, айнақса, куз-қиш мавсумида аҳоли ва транспорт воситаларининг хавфсиз ҳамда барқарор ҳаракатлишини таъминлашга эришилиб, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олди олинмоқда.

Сўнгги йилларда қузатилган мураккаб вазиятлар халқимизнинг сабр-матонатини синовдан ўтказди. Бухородаги кучли шамол, Сардоба сув омбори билан боғлиқ тошқин, коронавирус пан-

INSARAG (қидирув-кўтқарув масалалари бўйича халқаро маслаҳат гуруҳи) стандартлари асосида тайёрларликдан ўтказиш, вазирилик авиация хизматини ташкил этиш, туристик зоналарда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва тезкор бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни тизимлаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятларда хабардор қилиш тизимини модернизация қилиш, олис ҳудудларни профессионал ва кўнгилли ёнгин-кўтқарув бўлиммалари билан қамраб олиш кўрсаткичини яхшилаш, ёнгин-техник воситаларни ишлаб чиқаришга хусусий секторни жалб этиш, ўрмон ёнгинларини бартараф этиш тадбирлари самарадорлигини ошириш каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, давлат дастурида ҳам ФВВга бир қатор муҳим вазифалар юкланган. Ҳозир ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Қисқа таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, сўнгги беш йилдаги тизимли фаолият натижасида соҳага оид 35 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди, фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар сони 15 фоиз камайди. Фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш учун 59,2 минг марта чиқиш амалга оширилиб, уларда 3 минг 200 нафардан зиёд фуқаро кутқарилди. 10,6 миллион аҳоли, 125 мингдан зиёд раҳбар ҳодим ва мухтаassis фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича тайёрларликдан ўтказилди. Соҳа учун мингга яқин бакалавр, юздан зиёд магистр мутахассис тайёрланди.

181 та қўмондонлик-штаб ва 3 минг 500 та махсус-тактик ўқув машқ ўтказилди. Халқаро ҳамкорлик йўналишида 38 та хорижий давлат билан алоқалар йўлга қўйилди. Вазирилик моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида тизимга 350 тага яқин енгил ва юк автомобиллари ҳамда махсус техника, 7,8 мингта ёнгин-кўтқарув асбоб-анжоми харид қилинди. Шунингдек, 558 нафар ҳодим янги йўл билан таъминланди.

Бу каби ютуқлар сўнгги йилларда юртошларимизнинг хоҳиш-истаклари, орзу-мақсадларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалга ошириб келинаётган оқилона сиёсатнинг ижобий самарасидир.

Кўтқарувчи касби қийин, аммо савобли ва ҳайрли касблардан биридир. Чунки улар ўзгаларнинг ҳаёти, саломатлиги, хавфсизлиги йўлида, керак бўлса, ўз жонини қурбон қилишга доимо шай туради. Шундан бўлса керак, хавф даражаси бўйича кўтқарувчи касби дунёда биринчилардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 4 март кунини вазириликимиз ташкил этилганга 26 йил тўлди. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳаси юртимиз тинчлиги, аҳоли хотир-жамлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи асосий кучдир.

Фавқулодда вазиятлар вазирилик тизими ходимлари ривожланишининг янги беш йиллигида ҳам “Ўз вақтида огоҳлантириш, кўтқариш ва ёрдам бериш!” шiori остида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини уюшқоқлик билан амалга ошириб, элу юрт хизматига камарбаста бўлади. Zero, аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси муқаддас бурчимиздир.

**Фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар сони 15 фоиз камайди**

Тараққиёт стратегиясининг еттинчи, яъни “мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш” йўналишида 92-мақсад сифатида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш вазифаси қўзда тутилган.

Бу бевосита ФВВ фаолияти билан боғлиқ, Ушбу мақсад замирида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Республика махсус кўтқарув марказини



ТАФАККУР ПОЙДЕВОРИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

ТАРҒИБОТЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Одамлар бир хилликдан, маъруза тинглашдан чарчаган



Бугун илм-фан, техника ривожига мутаносиб ҳолда дунёқарашлар ҳам ўзгаряпти. Шундай экан, кеча ҳайратимизни оширган бир янгилик бугун оддий воқелик сифатида қабул қилиниши ҳам табиий. Тараққий этиш яхши, бироқ техника ривожига таъсирини маънавиятга зарар етмаслиги керак.

Президентимиз таъбири билан айтганда, чегарани бузмасдан, билдирмасдан "чақирилмаган меҳмон"дек кириб келаётган ёт ва зарарли гоёларга қарши ҳар биримиз илму маърифат билан курашимиз керак. Бу, айниқса, маънавият ва маърифат тарғиботчиларини ҳар қачонгидан-да фаол бўлишга ундайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 майдagi "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган "Маърифат" тарғиботчилар жамиятига шу маънода катта ишонч билдирилган. Уч йиллик фаолияти давомида "Маърифат"чилар бу ишончнинг қай даражада оқлагани, самарадорлик, келгуси режалар хусусида жамият раиси Бахтиёр ҚУСАНОВ билан сўхбатлашдик.

— Аввало, жамият фаолияти, маърифат тарғиботчилари ҳақида айтиб ўтсангиз.

— Дунё ижтимоий-сиёсий ҳаётида ахборот тарғиботи аллақачон етакчи ўринга чиқиб улгурди. Зотан, инсон тафаккурига сингдирилган хабар, ахборот қандай мазмун ва йўналишда етказилгани муҳим аҳамиятга эга. Маънавият-маърифат эса тафаккуримиз пайдевори ва у доим долзарб бўлиб қолаверади. "Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг асосий мақсади юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгаришларни одамларга ҳалқлик тилда етказиш. Жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш. Миллий кадриятларимизни сақлаш ва мамлакатимиз раҳбарига хизмат қилаётган ташаббуслар атрофида жам бўлишимиз зарурлигини одамлар онгига сингдириш.

Айни мақсадда республикамиз бўйлаб 700 нафардан ортқ тарғиботчи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асосий қисмини фан номзодлари ва докторлари, ўқитувчи ва мураббийлар, санъат ва маданият ходимлари, диний идора ва бошқа соҳа вакиллари ташкил этади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 20 нафардан, жами 364 нафар зиёли жамият аъзоларига қабул қилиниб, уларга ҳам белгиланган тартибда ҳақ тўлашнинг янги тартиби жорий қилинди.

— Тарғиботчиларни моддий рағбатлантириш тартиби ҳақида гапирдингиз. Бу бежиз эмас. Зеро, маънавият, маърифат том маънода фидойилик талаб этадиган машаққатли фаолият. Шу маънода, Президентимиз "Ҳеч кимга сир эмас, маънавият тарғиботчиси бўлиш кишидан катта билим ва салоҳият, маҳорат ва тинимсиз ақлий меҳнатни талаб этади. Лекин, афсуски, биз кўп йиллар маънавият ва маърифат соҳаси ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга етарли эътибор қаратмадик. Энди ана шу муаммони ҳал этиш вақти келди", деган эди.

— Маънавият ва маърифат жуда кенг тушунчалар. Унинг моҳиятини англаганингиз сари тарғиботчилар бажариши керак бўлган ишлар кўламини қанчалар кенглигини тасаввур этиб бораверасиз. Тўғри, аввал ҳам тарғибот ишлари бўлган, бироқ фақатгина байрамлар олдидан, муҳим саналар муносабати билан амалга оширилган. Бугун бу борада бошқача ёндашуш шаклланипти. Деярли ҳар кун ҳалқнинг орасида бўлиб, уларнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш, орзу-умидлари ошишига ундаш катта куч ва билим талаб қилади. Шу сабаб, Президентимиз, аввало, тарғиботчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратди. 2021 йилда тарғибот-ташвиқот ишларида ибрат бўлаётганлар "Маънавият фидойиси" кўрак нишони билан тақдирланди. Зеро, бундай эътироф тарғиботчилар меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди.

Тарғиботчиларни алоҳида смета асосида молиявий ва маънавий рағбатлантириб бориш тизими йўлга қўйилди. Яқинда эса маънавий-маърифий тарғибот тадбирлариди маърузаларга ҳақ тўлаш янада такомиллаштирилиб, тарғиботчиларга тўланадиган маблағ миқдори оширилди. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари айтганидек, соҳадаги молиявий муаммоларни ҳал қилишнинг амалдаги кўринишидир. Бундай эътибор ва эътироф замирида мамлакатимизда инсон

лади. Қувонарлиси, "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу гоё асосида худудларда ўтказилган байрам тадбирлари, маданий, маънавий-маърифий учрашувлар, давра сўхбатларида юрдошларимиз ҳар қачонгидан-да фаол иштирок этишди.

— Маънавият фестивали доирасида олиб борилаётган ишлар, бу тадбирнинг кўлами нечоғлиқ аҳамиятли?

— Фестиваль илк бор 2019 йилда ўтказилди. Ўтган йилги ҳам миллийлик ва замонавийлик омикталанган фестивални ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Бу бўйича вазирликлар, идора ва ташкилотлар ўртасида қўшма қарор имзоланиб, фестивал доирасида 10 дан ортқ лойиҳа амалга оширилди.

Тадбир зиёлиларни бир маънавий-маърифий майдонга тўплаши билан ҳам аҳамиятли. Уларнинг ишларини янада такомиллаштириш, худудлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашда бу каби тадбирлар муҳим омил бўлади. Лойиҳаларимиз қамрови йилдан-йилга кенгайиб борапти. Зеро, ўтган йили фестивал доирасида 7 та ижтимоий лойиҳа бўлган бўлса, бу йил 15 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Ҳар битта лойиҳа экспертлар томонидан алоҳида ўрганилади.

Маънавиятчиларга айрим ҳолларда даб-дабоз, қуруқ гапдан нарига ўтмайди, аввало, ўзимиз ибрат бўлишимизни тақозо этапти. Шу маънода, бу йилги "Маънавият фестивали"да жамият аъзолари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиб, "Маънавият" кубогини жорий қиламиз. Энди тарғиботчиларимиз ўзлари спорт билан



шўғулланиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади. Шунингдек, "Инсон қадр", "Зиёлилар форуми" орқали ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақидаги амалий ишлар ҳам режалаштирилляпти.

— Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, ёшларни миллий мафкурамизга муҳаббат руҳида тарбиялаш жамият фаолиятининг энг муҳим кирраси, тўғрими? Бу борадаги ишлар қай даражада самара берапти?

— Президентимизнинг ўтган йили Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор тарзида ўтказган йилгилиги ҳамда "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси бўйича 200 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар, Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатнома мазмун-моҳиятига бағишланган 1010 та тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида 9 номада 60 минг ададдан зиёд китоб нашр этилди. Ушбу китоблар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашларига тақдим этилди.

2021 йил бошидан буён нашр эттириб келинаётган 38 номдаги китоб катта хуссада чоп этилиб, тарғибот тадбирларида фойдаланиш учун республикамизнинг ҳар бир худудига етказиб берилди.

— Тарғиботни янада кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш учун айни пайтда нималарга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Тадбирлар, давра сўхбатлари кўп бўлгани яхши. Бироқ сон сифат кўрсаткичини белгиламайди. Биз танланган аудиторияга мақсадимизни етказиб, улар онгига сингдиришимиз зарур. Белгиланган мавзудаги сўхбатдан сўнг одамларга ҳам фикр-мулоҳазаларни билдириш имконини қолдириш шарт, деб ўйлайман. Шундай қилиш кераки, тадбирдан сўнг катнашувчиларда мавзу бўйича савол туғилмасин. Балки улар олган таассуротларини қариндош-уруғларига қўшилларига етказиб, тарғиботчиларнинг кўмакчасига айлансин. Албатта, юқоридagi каби маънавий-маърифий тадбирлар бугунги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишга ҳам хизмат қилиши шарт. Буларнинг барчаси самарали ва таъсирчан тарғибот технологиясини яратиш орқали амалга ошади.

Ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар кўп. Биз ҳар лойиҳани амалга оширишдан олдин уни одамлар қандай қабул қилиши, лойиҳанинг қайси худудларда амалга оширилиши мақсадаги мувофиқлиги борасида мутахассислар, зиёлилар билан ҳамфикр иш олиб бораемиз. Шу боис, ҳар бир лойиҳа инсонлар қалбига етиб бораётганини аҳоли билан учрашувлар давомида ҳис этдик. Шундай учрашувлар, тадбирлар, анжуманларни келажакда ҳам давом эттиришимизни сураганида, саъй-ҳаракатларимиз бесама қетмаётганини билдик. Аммо бир тадбир билан бутун аҳолини қамраб олиш қийин. Шу маънода, аҳоли, айниқса, ёшларга илм-фан, санъат ва маданият

соҳаларида ҳамда сиёсий-ҳуқуқий йўналишларда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришларни етказиш мақсадида "Маърифат зиб" номли мобиль илова яратдик. Мазкур платформадан аҳолимизнинг барчаси фойдаланиши мумкин. Ундан сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, оила масалалари, умуман, барча жабҳада керакли маълумотларни олас бўлади.

Шунингдек, юртимизда иктидор эгаларини аниқлаш, уларнинг юқори натижаларни кўлга кiritиши, янги ташаббуслар билан чиқиши, ўз салоҳиятини намоен қилиши мақсадида ўтказилаётган танловларнинг ўзида мужассам этган "Зиё танлови" платформаси ҳам ишга туширилди.

Тўғри, кўп ҳолларда маънавий-маърифий тадбирлар асосан ташкилот, таълим муассасаларида ташкил этилганини қабул қилиб, ўз салоҳиятини намоен қилиши мақсадида ўтказилаётган танловларнинг ўзида мужассам этган "Зиё танлови" платформаси ҳам ишга туширилди.

Бугун одамлар бир хилликдан, маъруза тинглашдан чарчаган. Уларга тадбир мақсадини ангина услубда, ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда етказиш давр талаби. Бугун муҳит ҳам бошқача. Очиқлик сиёсати, давлат раҳбарининг гaмхўрлиги, ташаббуслари одамларда меҳр-оқибат туйғуларини уйғотяпти.

Муножат МҮМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ҳақиқатга айланаётган маърифий афсоналар

Баҳайбат техника ва ускуналар шовқини остида қўли-қўлига тегмай ишлаётган курувчилар ғайратини кўринг! Бу воқелик ҳақиқатга айланиб бораётган маърифий афсона — Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази қурилиши майдонида рўй бермоқда.

Президентимиз 2017 йил 1 сентябрь куни Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур марказ лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбарининг "Биз аждодларимиз билан доимо фахрланиб келганмиз. Шундай экан, ўзимиз ҳам уларга муносиб бўлишимиз керак. Ташкил этилаётган марказда ҳам бунинг учун барча шароитларни яратиш, етук олимларни жалб қилиш лозим. Мазкур соҳага оид адабиётларни жамлаш, чет элларда бўлса, юртимизга олиб келиш чораларини кўриш зарур. Бу ерда сабоқ берадиган ўқитувчилар билими ва савиясига алоҳида эътибор қаратиш керак", деган сўзлари илм зиёсига талпинган не-не қалбларга ўзгача ҳарорат, илҳом ва шижоат бағишлаган эди. Ҳўш, ҳозирги кунда марказда нима ишлар қилинмоқда?

— Айни пайтда ушбу марказ қурилиши майдонида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди марказ раҳбари Шоазим Миноваров. — Мазкур қарор асосида Тошкент шаҳрининг қадимий даҳаларидан бири Ҳазрати Имомда тўққиз гектар жойда марказ биносига тамал тоши қўйилди. Қурилиш замонавий меъморий ечимлар асосида ҳамда шарқ аъёнлари билан уйғун тарзда амалга оширилмоқда. Илмий-маърифий тарадуд борасида айтадиган бўлсак, келгусида марказда дунё бўйича ҳар қандай илмий ва тарихий нуқтани назардан камёб ҳисобланган манбалар сақланади. Бугунги кунда Куръон залининг ўзида 30 га яқин қўлёзма бор. Зал ўртасидаги шиша кўтуга Ҳазрати Усмон мусхафи жойлаштирилади. Мутахассислар бу кутубни билгудан ясаш бўйича тақлиф билдирилмоқда. Кун кеча XVI асрда қурилган янги қўлёзmani қабул қилиб олдик. Қуръон қўлёзмалари коллекциясида ҳатто бобурий маликалар учун махсус кўчирилганлари ҳам бор.

Президентнинг 2022 йил 10 февралдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори марказ фаолиятидаги энг устувор йўналиш — қадимий қўлёзма ва тошбома асарларни муносиб сақлаш, реставрация қилиш, уларнинг давлат реестрини тузиш ҳамда илмий тадқиқотларни қучайтириш каби муҳим вазифаларни белгилаб бергани билан аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ, энди жамоатчилик учун очиқ бўлган қадимий ёзма манбалар давлат реестри ташкил этилиб, давлат тасарруфидида музейлар, кутубхоналар ва архив фондлари фаолиятига интеграция қилинади.

Марказ бош илмий ходими Умид Маҳмудовнинг таъкидлашича, Ислaм цивилизацияси маркази давлат реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгиланди ва амалдаги шат бирликлар доирасида бу реестрни юритиш учун масъул ўнта ходимдан иборат бўлим ташкил этилмоқда. Юртимизда қаерда сақланишидан қатъи назар,

барча қўлёзмалар шу реестрга киритилди ва у ана шу қўлёзмаларнинг хусусиятини, мазмунини ўзида қисқача ақл эттирган ҳужжат бўлади. Қаерда сақланиши, мавзусига мувофиқлиги, йилга, хронологиясига амал қилган ҳолда махсус коллекция шаклидаги каталоглар тузилади, уларнинг элекрон нусхаси олинади ва барча илмий-тадқиқот институтлари электрон ресурсига жойлаштирилади.

Ҳужжат асосида Ислaм цивилизацияси маркази ҳузурида қадимий ёзма манбаларни консервация ва реставрация қилиш лабораторияси очилмоқда. Қайд этиш жоизки, лабораторияни ташкил этиш ва фуқаролик ҳуқуқи асосида жалб қилинадиган устa-мутахассисларга ҳақ тўлаш ҳарajatлари Ислaм цивилизацияси марказини ривожлантириш жамгармаси, халқро молия институтлари техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

— Бино уч қаватдан иборат, — дейди марказ бўлим бошлиғи Саидкомил Холмўжаев. — Умумий фойдаланиш майдони 42 минг квадрат метр бўлган жуда улкан худудда қурилиш қизгин кетмоқда. Бу ерда музейдан ташқари кутубхона, анжуманлар саройи, ўқув бинолари, Халқро ислом академияси биноси, илмий-тадқиқотлар марказлари ташкил этилади. Мажмуа кўрига-кўрк қўшиб турган ҳаворанг гўмбазнинг баландлиги 67 метр. Унинг остида Ҳазрати Усмон мусхафи ўрин олган музей зали жойлашади. Музей бўлимларидан ислом цивилизацияси тарихига оид турли йўналишдаги мингта яқин экспонат ўрин олади. Марказ ёнида 600 та автoмобилга мўлжалланган 2 қаватли автoтўрароҳ ҳам қуриляпти.

Бино қурилишида дунёнинг таниқли меъмор ва дизайнерларнинг тақлифлари ўрганилди. Жараёнда Шарқ меъморлигининг энг ривожланган те-мурийлар даврига оид архитектура танлангани эътиборга молик. Айниқса, бинога ўзгача дизайн бахш этадиган 44 та равоқ тайёрланишида мутахассислар алоҳида изланишлар олиб бормоқда.

Франциянинг "Вильмoтт" ва "Авестa групп" компаниялари лойиҳачилари ва ўзбекистонлик олимлар томонидан тайёрланган дизайнга асосланган "Илм-фан" бўлими 225 квадрат метр сатҳга эга. Музей экспозицияси учун жами 312 та экспонат, 20 та интерактив ўйин, 74 та видео ва 30 та маълумот базаси рўйхати шакллантирилган.

Ушбу марказнинг бунёдга келиши бизга нима беради? Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бир мулоҳазани айтиб ўтган эди. Яъни, биз ислом дини ҳақиқий инсонпарварлик дини эканини, ушбу дин инсонларни қамолатга етказувчи муқаддас йўл эканини ёш авлод қалбига синдира билишимиз керак. Ана шу улкан мақсададлар йўлида тикланаётган бу юксак ва маҳобатли бинода амалга ошириладиган эзгу ишлар ва илмий-маърифий сўхбатлар келгусида, албатта, ўз натижасини беради.

Мухтасар ТОЖИММАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК  
Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 576  
88510 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тoшматова  
Мусаҳҳих: Рўзиқул Очилов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 03:30 Топширилди — 04:10